

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ ВА РИВОЖИДА МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Жўраева Камола Сафиддиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети мустақил тадқиқотчиси

Инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган, буюк алломаларни дунёга келтирган ўзбек халқи бугунги кунда яна ўзлигини англаб, жаҳонга юз тутмоқда. Ота-боболаримизнинг асрий орзу-армони бўлмиш ҳуррият байроғи остида туғилган ёш авлодни Бухорий, Термизий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк бобокалонларимизга муносиб авлод қилиб тарбиялаш сизу бизнинг зиммамиздаги улкан масъулиятдир. Бу оғир вазифани шараф билан адо этиш учун оилаларимиз мустаҳкам, фарзандларимиз соғлом ва баркамол бўлиши лозим. Оилани мустаҳкамлаш учун эса муқаддас динимизнинг юқорида айтиб ўтилган кўрсатмаларига оғишмай амал қилишимиз зарур. Оилада иймон-этиқодли, салоҳиятли фарзандлар етишиб чиқиши учун оиланинг низоми, пойдевори мустаҳкам бўлиши керак, ота-онанинг ўзи тарбияли, сабр-матонатли бўлиши, турмушнинг баланд-пастини, ҳаётнинг аччиқ-чучугини биргаликда тотиши керак. Ана шундагина жамиятимиздаги ҳар бир оила чинакам бахт саройига, роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловат масканига айланади. Ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибасига таяниш конституцион принцип бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг муқаддимасида ўз аксини топган. Ўзбек давлатчилигининг муҳим масалаларидан бири бу аёлларга бўлган эътибор ҳисобланади. Шу жихатдан, сиёсий соҳадаги эришилган ютуқлардан яна бири бу республикамизда аёлларга бўлган давлат томонидаги эътиборни алоҳида қайд этмоқ лозим.

Шунингдек, аёлларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини янада яхшилаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ, қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек кишилар онгида ва жамиятимиз ҳаётида юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, ўзбек давлатчилиги тарихида аёлларнинг тутган ўрни ва роли бугунги кун учун ғоявий дастур вазифасини ўтмоқда, ҳамда бугунги аёлларимизнинг фаолияти эса ворисийлик сифатида изчил давом этмоқда десак, хато бўлмайди. Бугунги кунда жамиятда аёлнинг ўрнига, унинг бунёдкорлик фаолиятига кўпчилик мамлакатларда алоҳида аҳамият берилади. Умуман, олганда, аёл ҳамма давлатларда ҳам улуғланиб

келинган. Бу борада Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борда халқаро ҳуқуқий нормаларга таянган ҳолда, аёлларимизнинг жамиятда сиёсий фаоллигини шириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, IV Бутунжаҳон конференцияда 1975 йилни – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Ассамблеяси томонидан Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилиниб, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича жараённи тезлаштиришига мўлжалланган эди. Зеро, БМТ эълон қилган, Хотин-қизлар ўн йиллиги (1976-1986) хотин-қизлар аҳволи ва ҳуқуқларини тадқиқ этиш ва бу борада қарорлар қабул қилишда бутун жаҳонда ибратга айланиши лозим эди. Аёллар муаммосига тааллуқли камчиликларни жаҳон миқёсида умумижтимоий ҳодиса эканлигининг эътироф этилиши ҳамда бу камчиликларни изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширди. Аёлларга турли хилдаги фаолият майдонини яратиб берди. Улар қисман моддий қарамликдан қутилиб, ўз истедод ва қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу жараён деярли барча мамлакатларнинг аёллар бўйича олиб бораётган сиёсатини, уларга муносабатини ўзгартиришига олиб келди. Миллат ва жамият келажаги аёл фаолиятининг иштироки билан тўлиқ эканлигини эътироф этиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илм-фан, техника, ишлаб чиқаришда, бошқарувда уларнинг фаол иштирок этувига эришган тақдирдагина жамият ўз ривожига мукаммал йўналишга эга бўлиши мумкин эканлигини жаҳон аҳли тушуниб етди. Ислом дини ҳам аёлларга ўз ҳуқуқларини қайтариб бера туриб, аёлларни илм олишга нафақат ҳақли эканини, балки фарз эканини «Илм олиш ҳар бир мўъмин ва мўъминага фарздир» дея маълум қилди. Ислом таълимотида аёлларга нисбатан бағрикенглик ғоялари мавжуд бўлиб, хотин-қизларни эъзозлаш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Ризоуддин ибн Фаҳриддин ўзининг “Оила” асарида аёлнинг мавқеини қуйидагича изоҳлайди: “Хотин фақирликка қарши бир ажрдир, ватани, уйи, истеҳкоми тиришқоқлик фани, ҳарбий идора, қуроли игна билан қайчи дерлар. Лекин ёлғиз аскаргина эмас, балки бунинг устига келишув қозиси, тарбиячи, насиҳатгўй ҳамдир.

Жумладан, буюк муҳаддиснинг онаси ҳам тақводор, диёнатли ва оқила аёл бўлган. Унинг асл исми манбаларда учрамайди. Чунки тақводорлиги ва кўп ибодат қилиши, илми ва оқилалиги билан танилгани сабабли эл орасида асл исми унутилиб, каромат соҳибаси сифатида “Дуоסי мустажоб аёл” номи билан машҳур бўлиб кетган. Имом Бухорийнинг улуғ аллома бўлиб етишишида отасининг тақвosi-ю онасининг ихлос ила қилган дуо-ибодатларининг жуда катта ўрни бор. Шу ўринда Имом Бухорийнинг онаси тимсолида буюк жасорат ҳамда бошқа аёлларга юксак намуна бўладиган улкан бир матонат намоён бўлади. Ҳам турмуш ўртоғидан айрилган, ҳам фарзандига етган бундай мусибатдан ёш Муҳаммаднинг онаси ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, кундузлари ўғлининг таълим-тарбияси билан шуғулланиб, уни илм

олишга рағбатлантирар, тунларини ибодат билан бедор ўтказиб, Яратгандан ўғлининг кўз нурини қайтаришни тинмай илтижо қилиб сўрар эди.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз “Ота-она фарзанд учун энг биринчи ва олий мадрасадир,” деб тўғри айтган. Оқила аёлнинг тарбияси билан, кўзи ожиз бўлишига қарамасдан, ёш Муҳаммаднинг илмга, айниқса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларини ёд олишга рағбати кундан-кун ошиб борди. Шунингдек, бутун дунёга донғи кетган файласуф, олим... “Файласуфларнинг раиси”, “Устозларнинг устози” номларини олган. Шарқда шайхурраис, Ғарбда Авиценна ўлароқ танилган Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино Бухоро яқинидаги Афсона қишлоғида дунёга келган. Отасининг исми Абдуллоҳ, онасининг исми Ситора эди. Ситорабону – буюк ҳакимни дунёга келтирган зотдир. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг волидаси манбаларда Такина хотун ёхуд Тегина бегим Моҳ номи билан тилга олинган. Тахминларга кўра, у ўн тўртинчи асрнинг бошларида Бухородаги таниқли дин арбобларидан бири Садр аш-шари’а Убайдулоҳ ал-Бухорийнинг хонадоида туғилган. Шарафиддин Али Яздий айтганидек, у покиза хулқли аёл бўлган. Гавҳаршод Бегим – Мирзо Улуғбекнинг волидаси- Темурий маликалар орасида энг буюк сиймолардан бири, 1379 йилда ўз даврининг йирик амирларидан Ғиёсиддин тархон хонадоида туғилган. Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзонинг завжаси бўлган. Мирзо Улуғбекдан ташқари Бойсуқур Мирзо ва Муҳаммад Жўки султон исми икки ўғил ва икки қизни дунёга келтирган аёл. Қутлуғ Нигор хоним 1459 йилда Тошкент хони Юнусхоннинг хонадоида туғилган. Тарихий манбаларга кўра, Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлган. Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган.

Бугун бизнинг юртимизда деярли ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатда хотин-қизларимизга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий — ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қайд этилган қарорда шу каби муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис

лавозими жорий этилганининг ўзи ҳар бир маҳалла эндиликда хотин-қизларимизга алоҳида эътибор бериш заруратини кўрсатди.

Бу борада мамлакатимизда ўзининг ибратли фаолияти билан эл назарига тушган хотин-қизлар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таъсис этилган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан рағбатлантирилмоқда. Мукофот жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ҳамда болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга берилади.

Иккинчидан, 2022 йил 9-мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида кўра, 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилган эди. Агар бир эътибор берсак, ушбу Дастурдаги чора-тадбирларга яъни, улар қуйидагилар: бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланмоқда;

аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат, бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминланмоқда;

барча даражалардаги бошқарув тузилмаларида аёлларнинг ролини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларда ва жамоат бирлашмаларида аёлларнинг фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш;

оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини оширишни таъминловчи шарт-шароитларни шакллантиришга оид хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитларини молиялаштирилди;

б) давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплагани

в) хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича – 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, оилада қулай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини оширилмоқда;

иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ;

гендер муаммолари, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий қайта ўзгартиришларда ва жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда аёллар ролини ошириш бўйича илмий ва ижтимоий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ўз ичига олган.

Қувонарли томони ҳар йили март ойида амалий инновацион лойиҳалар бўйича «Олима аёл» танловини ўтказилмоқда.

Албатта, ушбу Давлат дастурига киритилган ҳуқуқий асослар жамиятимизда аёлларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишга хизмат қилди, десак хато бўлмайди. Сабаби, бугунги кунда яратилган шарт-шароитлар аёлларимизнинг сиёсий соҳада ҳам фаоллашувида, жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишига замин яратдики, бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайловларда ҳам ўз ифодасини топди. Аёлларимизнинг Сенатда, Олий Мажлисда, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги йўналишларда, фан соҳасида, тиббиёт ҳамда санъат соҳасида эришаётган ютуқларини мисол келтирсак бўлади. Ўзбекистонда аёллар ҳам жамият, ҳам оила масалаларини англаган ҳолда, фарзанд тарбиясини, ёш авлод тарбиясини энг муҳим вазифа сифатида қараб, баркамол авлод тарбиясини амалга оширишда иштирок этаётганликлари диққатга сазовордир. Зеро, ўзбек давлатчилиги тарихида аёлларнинг тутган ўрни ва роли бугунги кун учун ғоявий дастур вазифасини ўтмоқда, ҳамда бугунги аёлларимизнинг фаолияти эса ворийлик сифатида изчил давом этаётганлиги менинг ҳаётимда ҳам ўз аксини топган: жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида бугун илмий тадқиқот ишинимни олиб борар эканман, университетимиз жамоасини бошқараётган ректор Рихсиева Гулчехра Шавкатовна биз учун ёрқин ибрат ва намуна мактабидир. Тошкент давлат шарқшунослик университетида фаолият олиб борган академик Сўйима Ғаниеванинг илмий мероси ҳам биз учун катта илмий мактаб. АҚШдаги Колумбия университетининг профессори этиб тайинланган Азиза Шоназаровани Ўзбекистон ёшлари учун чинакам ибрат намунаси деб давлатимиз раҳбари айтганида, шу юртнинг қизи бўлганимдан ғурурландим.

Университет жамоаси хотин-қизларининг илмий фаолиятини қўллаб қувватлар экан, биз бўлажак олималар бор билимимизни Ўзбекистонни дунё хамжамиятига нуфузини кўтаришга бағишлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.